

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

---

**З.Б. Умирзаков, Ж.А. Ризаев, С.Э. Умиров**

**COVID-19 ПАЦИЕНТЛАРИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАҚДИМ  
ЭТИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АЛГОРИТМИ**

**Услубий тавсиянома**

**Тошкент – 2022**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

---

З.Б. Умирзаков, Ж.А. Ризаев, С.Э. Умиров

COVID-19 ПАЦИЕНТЛАРИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАҚДИМ  
ЭТИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АЛГОРИТМИ

Услубий тавсиянома



Тошкент – 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

«КЕЛИШИЛГАН»

Мувофиқлаштириш-эксперт  
кенгаш раиси, т.ф.д.

« \_\_\_\_\_ » .....  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202\_ й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўз Р ССВ Фан ва тиббий таълим  
Бош бошқармаси бошлиғи  
т.ф.д., профессор

\_\_\_\_\_ А.Т. Махмудов  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202\_ й.

З.Б. Умирзаков, Ж.А. Ризаев, С.Э. Умиров

COVID-19 ПАЦИЕНТЛАРИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАҚДИМ  
ЭТИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АЛГОРИТМИ

*Услубий тавсиянома*

#### **Қисқача баёни**

Самарканд вилоятида 2020 йилда қайд этилган COVID-19 пациентларининг аниқланиш муддатларини, хос лаборатория ташхисоти ташкиллаштирилишини ва касалликнинг клиник кечишини баҳолаш натижалари пациентларга тиббий хизмат тақдим этилишида дифференциал ёндашув ва ташкилий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини, устуворлик мавқеи амбулатор хизматга қаратилиши даркорлигини кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқотнинг амалий натижаси сифатида ушбу услубий тавсиянома даволаш-профилактика муассасалари томонидан кўрсатиладиган COVID-19 га тааллуқли тиббий хизматлар доирасидаги “Онлайн патронаж”, пациентларни аниқлаш, ташхис этиш, саралаш, олиб бориш, амбулатор-COVID марказларининг фаолияти ва амбулатор ёрдамнинг муайян алгоритм асосида ташкиллаштирилишини кўзда тутувчи концептуал янгича ёндашув ва тавсияларни тақдим этади.

“COVID-19 пациентларига тиббий хизмат тақдим этилишининг ташкилий алгоритми” услубий тавсияномаси соғлиқни сақлаш ташкилотчилари ва менежментлари, эпидемиологлар, вирусологлар, инфекционистлар, оилавий шифокорлар, тиббиётнинг бирламчи бўғини ҳамда COVID-19 пациентларига ёрдам кўрсатилишига дахлдор барча тиббиёт муассасалари ходимларининг фаолиятида фойдаланиш учун мулжалланган. Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизими.

#### **АЛГОРИТМ ОРГАНИЗАЦИИ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ МЕДИЦИНСКИХ УСЛУГ ПАЦИЕНТАМ С COVID-19 / З.Б. УМИРЗАКОВ, Ж.А. РИЗАЕВ, С.Э. УМИРОВ – 2021 г., 20 с.**

##### **Аннотация**

Результаты оценки пациентов с COVID-19 в Самаркандской области в 2020 году, организации конкретных лабораторных диагностик и клинического течения заболевания показали необходимость дифференцированного подхода и организационного пересмотра при оказании медицинских услуг пациентам.

Как практический результат исследования, данное руководство предусматривает организацию «онлайн-патронажа», идентификацию, диагностику, скрининг, управление амбулаторными центрами COVID и амбулаторную помощь на основе определенного алгоритма в области медицинских услуг, связанных с COVID-19. Предлагает концептуально новаторский подход и рекомендации.

Организационный алгоритм медицинского обслуживания COVID-19 предназначен для использования поставщиками медицинских услуг и руководителями, эпидемиологами, вирусологами, инфекционистами, семейными врачами, врачами первичной медико-санитарной помощи и всеми поставщиками медицинских услуг, участвующих в оказании помощи пациентам с COVID-19. Область применения: Система здравоохранения Республики Узбекистан.

#### **ALGORITHM OF ORGANIZATION OF PROVIDING MEDICAL SERVICES TO PATIENTS WITH COVID-19 / Z.B. Umirzakov, J.A. RIZAEV, S.E. UMIROV - 2021, 20 p.**

##### **Abstract**

The results of the assessment of COVID-19 patients in Samarkand region in 2020, the organization of specific laboratory diagnoses and the clinical course of the disease showed the need for a differential approach and organizational review in the provision of medical services to patients.

As a practical result of the study, this guideline provides for the organization of "Online Patronage", identification, diagnosis, screening, management of outpatient-COVID centers and outpatient care on the basis of a specific algorithm in the field of medical services related to COVID-19. provides a conceptually innovative approach and recommendations.

The COVID-19 Organizational Algorithm for Medical Care is intended for use by health care providers and managers, epidemiologists, virologists, infectious disease specialists, family physicians, primary care physicians, and all health care providers involved in providing care to COVID-19 patients. Field of application: Health system of the Republic of Uzbekistan.

**Кириш.** Пациентларда COVID-19 клиник кечишининг келгусидаги динамикаси ва оқибати ҳамда муайян шароитда касаллик эпидемик жараёнининг кўринишлари, жумладан унинг жадаллиги - атрофдагиларга юкиш эҳтимоллиги кўп омиллар билан белгиланувчи ҳодисалардир [2-4, 11].

Хусусан, мазкур омиллар орасида пациентларга барвақт ташхис қўйилишини ва келгусида тақдим этиладиган тиббий хизматни тўғри ташкиллаштириш клиник жиҳатдан ҳам, эпидемиологик нуктаи-назардан ҳам муҳим ўрин тутаетди [1, 5-8].

Ҳозирги пайтда табиий равишда COVID-19 нинг ташхислаш-даволаш жараёнига, пациентлар олиб борилишига ва касалликнинг профилактикасига доир ташкилий фаолиятни тўғри йўлга қўйиш масаласи жамоат соғлиғини сақлаш соҳасидаги энг устувор муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда [1-4, 7-11].

Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, 2020 йилда Самарканд вилоятида қайд этилган COVID-19 ҳолатларининг аниқланиш муддатлари, хос лаборатор текширувининг амалга оширилиш жараёни ва касаллик кечишининг оғирлик даражаси ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг жорий ҳолатини объектив таҳлил этиш ва баҳолаш асосида тиббий хизмат тақдим этилишининг ташкилий алгоритми ишлаб чиқилди. Мазкур услубий тавсиянома далилларга таянган тиббиёт тамойиллари асосида яратилган бўлиб, мутахассисларга COVID-19 ни аниқлаш, ташхислаш, пациентларни олиб бориш ҳамда касалликнинг профилактикаси борасидаги фаолиятни самарали ташкиллаштиришнинг рисоладагидек амалиётини тақдим этади.

**Услубий тавсияноманинг заруриятини асослаш.** Жаҳонда янги коронавирус инфекцияси пайдо бўлиши муносабати билан, ушбу муаммога нисбатан Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юксак сиёсий хайрихоҳлик намунаси намоеън этилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тиббиёт тизимини ривожлантириш, аввало, мазкур соҳанинг жаҳон андозалари талабларига кўра такомиллаштирилишини ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар, узокни кўзлаб амалга оширилган оқилона ташкилий ҳатти-ҳаракатлар туфайли, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимининг одатдан ташқари турли фавқулодда ҳолатларга шайлиги, тезкор мослаша олиши ва вазиятга монанд фаолият юрита олишни йўлга қўйиши учун мустаҳкам замин ҳозирланди. Мазкур пойдевор стратегиянинг мавжудлиги ҳамда жаҳонда вужудга келаетган эпидемик вазиятга монанд ўз вақтида тайёргарлик кўрила бошланганлиги боис, Ўзбекистонда коронавирус инфекциясининг кенг тарқалишига қарши курашишга қаратилган энг мақбул йўл тутилишига ва адекват ташкилий ечимлар танланишига муваффақ бўлинди.

Табиийки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа масъул тузилмалар томонидан жаҳондаги эпидемик вазият динамикаси, пайдо бўлаётган илмий янгиликлар, қўлланилаётган амалиётлар синчковлик билан кузатиб борилди. ЖССТ, CDC тавсиялари ва илғор давлатларнинг тажрибаси тезкор равишда адаптация қилиниб, жорий этила

бошлади. COVID-19 пациентлари учун махсус стационарлар, мулоқотдаги шахслар ва чет элдан қайтарилган фуқаролар учун обсервация-карантин муассасалари ташкиллаштирилди. Кучли ижтимоий сиёсат, тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш механизмлари яратилди.

Шу билан бирга, Жаҳонда COVID-19 муносабати билан тиббий хизматни ташкиллаштиришга, тақдим этилиши зарур бўлган тиббий хизмат турлари, ҳажми/кўламига доир андоза йўқлиги албатта ўз таъсирини кўрсатиши табиий ҳолат. Дастлаб нафақат аҳоли, балки тиббиёт ходимлари ҳам COVID-19 пациентларига, улар билан мулоқотда бўлишган шахсларга ва умуман эҳтиёжманд фуқароларга вазиятга мос тиббий хизмат, жумладан анъанавий лаборатория/инструментал текширувларининг қай йўсинда тақдим этилиши борасида тартиблар ишлаб чиқилмаганлиги, аниқ кўрсатмалар йўқлиги боис, ташкилий жиҳатдан муайян қийинчиликларга дуч келишди.

Айрим ҳолатларда, COVID-19 га доир муаммолар билан “ихтисослаштирилган” COVID-19 муассасалари шуғулланиши, ушбу касаллик юзасидан барча хизматни фақат “ихтисослаштирилган” муассасалар ходимлари тақдим этиши зарур деган тушунча пайдо бўла бошлади.

Демак, COVID-19 пациентларига тиббий ёрдам тақдим этилиши учун масъул бирламчи тиббий ёрдам муассасалари учун ҳам, ихтисослашган стационарлар учун ҳам фаолият йўриқномалари ва меъёрий-услубий ҳужжатлар вақти-вақти билан қайта таҳрир этилиши зарур.

COVID-19 нинг пайдо бўлиши ва оммавий тарқалиши тўпланаётган билим ва тажрибалар асосида аҳолига тиббий хизмат тақдим этилишининг ўзгараётган вазиятга монанд тартибини ишлаб чиқиш, янги шаклларини татбиқ этиш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларидаги муассасаларнинг ва тиббиёт ходимларининг, жумладан жамоат саломатлигини сақлаш ташкилотчиларининг бурч-вазифалари, ташкилий-бошқарув фаолият доираси аниқ белгиланишини, муайян даражада кенгайтирилишини ва мувофиқлаштирилишини тақазо этади. Ушбу услубий-меъёрий таъминот асослари фақатгина муаммоларни жамоат саломатлиги нуқтаи-назаридан касалликнинг эпидемиологик хусусиятларини очиб беришга ва тиббий хизмат кўрсатилишининг ташкилий жиҳатларини таҳлил этишга қаратилган хос илмий изланишлар натижасида яратилиши мумкин.

Аввало, COVID-19 муаммоси асносида тегишли даволаш-профилактика муассасаларининг ҳам, тиббиёт ходимларининг ҳам фаолияти жамоат саломатлиги, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ва рисоладагидек сифат таъминланиши нуқтаи-назаридан таҳлил ва таҳрир этилиши зарур.

**Услубий тавсияноманинг мазмуни.** COVID-19 нинг ташхисоти ва пациентларнинг олиб борилиши борасида аҳолига малакали тиббий ёрдам тақдим этилишининг мақбул ташкилий ечимларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш мақсадида, Самарқанд вилоятида 2020 йилда жами қайд этилган 2506 нафар пациентларнинг "Стационар беморининг тиббий картаси" (003-х/ш), "Беморнинг амбулатор тиббий картаси" (025-х/ш) тиббий ҳужжатларида келтирилган ташхислаш жараёни, беморнинг аниқланиш ва госпитализация

муддатлари ҳамда касаллик клиник кечишининг оғирлик даражасига кўра тақсимланишига доир маълумотлар таҳлил этилди.

COVID-19 ташхиси ва унинг оғирлик даражаси пациентларнинг шикоятлари, объектив клиник маълумотлар, эпидемиологик анамнез, хос лаборатория таҳлиллари ва қўшимча текширув (функционал, усқунали, лаборатория усуллари) натижалари асосида қўйилган. Тадқиқотга киритилган барча пациентларнинг ташхиси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) 2020 йил январь ойида янгиланган КХТ-10 «Фавкулотда ҳолатларда қўлланиладиган кодлар» бўлимига мувофиқ расмийлаштирилган бўлиб, таснифнинг COVID-19 U07.1 махсус код рубрикасига мансуб.

COVID-19 ташхиси полимераза занжир реакцияси ёрдамида нуклеин кислоталарни амплификациялаш усулида (НКАУ) SARS-CoV-2 РНК сини аниқлаш орқали тасдиқланди.

Пациентларда COVID-19 кечишининг оғирлик даражаси ЖССТ йўриқномалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “COVID-19 коронавирусли инфекция билан касалланган беморларни бошқариш бўйича тавсиянома” лари асосида баҳоланди. COVID-19 пациентларида зотилжамни ташхислаш ва ўпканинг зарарланиш даражасини баҳолаш ўртача оғир, оғир ва ўта оғир ҳолатларда касаллик бошланганидан 6-7 кун ўтгач рентгенография, ультратовуш текшируви, компьютер томографиясини (КТ) қўллаб амалга оширилди. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, молекуляр-генетик, клиник-лаборатория ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади COVID-19 га доир тиббий хизмат тақдим этилишининг рисоладагидек ташкилий алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

COVID-19 ҳолатлари 2020 йилда Самарқанд вилоятининг барча маъмурий ҳудудларида қайд этилган бўлиб, вилоят бўйича касалланишнинг ўртача интенсив кўрсаткичи ҳар 100000 нафар аҳолига нисбатан 62,9 дан иборат. Ўртача вилоят кўрсаткичига қараганда юқори кўрсаткич Самарқанд (176,7) ва Каттақўрғон (109,1) шаҳарларида, Тайлоқ (102,6), Самарқанд (91,5) ва Оқдарё (81,0) туманларида қайд этилган (1-расм).



1-расм. Самарқанд вилояти маъмурий ҳудудлари бўйича COVID-19 билан касалланишнинг жадаллиги (100 000 нафар аҳолига, 2020 йил)

Таъкидлаш жоизки, касалликнинг юкори кўрсаткичлари қайд этилган мазкур 3 та туман бевосита Самарқанд шаҳрига тутшиб кетган, яъни ёндош – аслида шаҳар туманларидир.

Шаҳар муҳити COVID-19 касаллиги эпидемик жараёнига қай даражада хавф омили сифатида таъсир кўрсатишини янада ёркинрок ойдинлаштириш мақсадида, вилоят худуди “шаҳарлар”, “шаҳар олди туманлари” ва “қишлоқ туманлари” га ажратилиб таҳлил этилди (1-жадвал).

1-жадвал

**COVID-19 билан касалланишнинг шаҳарлар ва қишлоқ туманлари бўйича тарқалганлиги (Самарқанд вилояти, 2020 йил)**

Шаҳар/туманлар	Аҳоли сони ва %	COVID-19 билан касалланганлар сони ва %	Ҳар 100000 аҳолига инт. кўрсаткич
<b>Шаҳарлар</b>	684369 (17,2%)	1154 (46,0%)	168,6
<b>Шаҳар олди туманлари</b>	638890 (16,0%)	591 (23,6%)	92,5
<b>Қишлоқ туманлари</b>	2658109 (66,8%)	761 (30,4%)	28,6
<b>Жами</b>	<b>3981368</b>	<b>2506</b>	<b>62,9</b>


“Шаҳарлар” аҳолиси касалланишининг интенсив кўрсаткичи 168,6 (ҳар 100000 нафар аҳолига) “шаҳар олди туманлари” аҳолисининг касалланиш кўрсаткичига (92,5) караганда 1,8 марта, “қишлоқ туманлари” аҳолиси касалланиши кўрсаткичига (28,6) караганда 5,9 марта юкори ( $p < 0,05$ ).

Таҳлиллар “шаҳарлар” аҳолисининг COVID-19 билан касалланиш нисбий хавфи “шаҳар олди туманлари” аҳолиси касалланиш хавфига караганда 1,9 марта ( $RR=1,9$ ), “қишлоқ туманлари” аҳолиси касалланиш хавфига нисбатан эса 6,1 марта ( $RR=6,1$ ) юкори эканлигини кўрсатади. Юкорида келтирилган маълумотлар COVID-19 тарқалиши учун шаҳарлар ва шаҳар олди туманлари “хавфли ҳудуд” га, касалланиш даражасига кўра шаҳарлар ва шаҳар олди туманлар аҳолиси “хавф гуруҳи” га мансуб эканлигидан далолат беради.

Самарқанд вилоятида пациентларнинг аниқланиш муддатларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, касаллик бошланишининг дастлабки кунда 3,0%, 2-3 кунларида 26,0% пациентлар аниқланган бўлса, аксарият - 71,0% беморлар касалланишнинг 4-кундан кейин аниқланган (2-расм).


COVID-19 га хос клиник аломатлар мавжуд пациентларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги ёки тиббий ёрдам учун кеч мурожаат этишлари, пандемия шароитида аҳоли ўртасида кузатилаётган касалланиш ҳолатларини барвақт аниқлашга қаратилган ташкилий механизмлар ишлаб чиқилиши, йўлга қўйилиши ва янада такомиллаштирилиши зарурлигини тақазо этади.





**2-расм. COVID-19 пациентларининг аниқланиш ва тиббиёт муассасасига мурожаат этиш муддатлари (Самарқанд вилояти, 2020 й.)**

COVID-19 аниқланган пациентларнинг стационарга ётқизиш муддатларини таҳлил этиш 32,0% пациентлар касаллик аниқланган/ташхис этилган куни, 62,0% пациент ташхиснинг 2-3 кунларида, 6,0% пациентлар эса кеч - 4-кундан кейин госпитализация қилинганлигини кўрсатади (3-расм).



**3-расм. COVID-19 пациентларининг стационарга ётқизиш муддатлари (Самарқанд вилояти, 2020 й.)**

Стационарда даволаниши учун кўрсатма мавжуд COVID-19 пациентларининг, ташхис қўйилганидан кейин стационарга ётқизилгунигача ўтадиган муддат тиббий хизмат сифати ва уюшқоклигининг, соғлиқни сақлаш тизимининг турли бўғинлари, ихтисосликлари фаолияти мувофиқлашганлиги ва интеграциялашувининг индикатори ҳисобланади.

COVID-19 нинг хос ташхисоти таъминланиши учун 2020 йил 16-мартда вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталиги агентлигининг

(собик) вирусология лабораториясида нуклеин кислоталарни амплификациялаш усулида (HKAY) SARS-CoV-2 РНК сани аниқлаш йўлга қўйилди (2-жадвал). Вилоятда вужудга келаётган эпидемик вазиятдан ва ўсиб бораётган эҳтиёждан келиб чиқиб, кейинчалик касалликнинг хос ташхисотини таъминлашга қаратилган 2-COVID-19 (27.04.2020 й.), 3-COVID-19 ва 4-COVID-19 (16.08.2020 й.) лабораторияларининг фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу 4 та лабораторияларда 2020 йил 31-декабрга қадар жами 219238 нафар шахслар SARS-CoV-2 РНК си мавжудлигига нисбатан текширувдан ўтказилган бўлиб, аксарият таҳлиллар 1-COVID-19 (58,8%) ва 2-COVID-19 (39,2%) лабораторияларида амалга оширилган. 3-COVID-19 ва 4-COVID-19 лабораторияларида эса тегишлича 0,8% ва 1,2% нафар шахслар текширилган.

**2-жадвал**  
**COVID-19 ташхисоти учун ихтисослаштирилган лабораториялар таъминоти ва фаолияти (Самарқанд вилояти, 2020 й.)**

№	Лаборатория базаси	Фаолият юритиш муддати	ПЦР апра рат сони	Вра члар сони	Жами текширилган шахслар	
					Абс.	%
1.	1-COVID-19 лабораторияси	16.03.2020* →	5	8	128964	58,8
2.	2-COVID-19 лабораторияси	27.04 -30.10.2020	4	7	85976	39,2
3	3-COVID-19 лабораторияси	16.08.2020*→	2	3	1719	0,8
4	4-COVID-19 лабораторияси	16.08 -31.12.2020	1	2	2579	1,2
<b>Жами</b>			<b>12</b>	<b>20</b>	<b>219238</b>	<b>100,0</b>

\*→ -лаборатория ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Лаборатория текширувлари натижасида 2020 йил 31-декабрга қадар жами 2506 (1,1%) нафар шахсда SARS-CoV-2 РНК си аниқланган (3-жадвал). Яъни, 1 нафар шахсда COVID-19 ни ташхислаш учун ўртача 87 нафар шахс текширилган. Жумладан, 1-COVID-19 лабораториясида жами 128964 нафар шахс текширилган бўлиб, шулардан 1225 нафар шахсда мусбат натижа кузатилган, яъни SARS-CoV-2 РНК си аниқланганлик кўрсаткичи 0,9% дан иборат. SARS-CoV-2 РНК сининг аниқланганлик кўрсаткичи 2-COVID-19 лабораториясида 1,3%, 3-COVID-19 лабораториясида 3,5% ва 4-COVID-19 лабораториясида 4,6% ни ташкил этган. Тасдиқлаш индекси, яъни SARS-CoV-2 РНК сани 1 нафар шахсда аниқлаш - касаллик ташхисини 1 нафар пациентда тасдиқлаш учун ушбу лабораториялар томонидан тегишли равишда ўртача 105, 78, 28 ва 21 нафар шахс текширилган. Кўриниб турибдики, SARS-CoV-2 РНК сининг аниқланганлик кўрсаткичи мазкур лабораторияларда сезиларли тафовутга эга.

**COVID-19 га нисбатан текширув ўтказилган лабораторияларда SARS-CoV-2 РНК сининг аниқланиш частотаси (Самарқанд вилояти, 2020 й.)**

COVID-19 лабораторияси	Жами текширилган шахслар сони	SARS-CoV-2 РНК +		Тасдиқлаш индекси
		Абс.	%	
1-лаборатория	128964	1225	0,9±0,02	1:105
2-лаборатория	85976	1102	1,3±0,04	1:78
3-лаборатория	1719	60	3,5±0,4	1:28 (p<0,05)*
4-лаборатория	2579	119	4,6±0,4	1:21 (p<0,05)*
<b>Жами</b>	<b>219238</b>	<b>2506</b>	<b>1,1±0,02</b>	<b>1:87</b>

\*1-лаборатория, 2-лаборатория ва жамига нисбатан

Турли лабораториялар фаолиятидаги тафовутни, яъни кузатилаётган мусбат натижалар ўртасидаги фарк сабабларини ойдинлаштириш ва SARS-CoV-2 РНК сининг аниқланиш частотасини баҳолаш учун, текширувга жалб этилган барча шахслар 4 та тоифага - чет эллардан Ўзбекистонга қайтиб келгач карантин муассасаларида тиббий кузатувга олинган шахслар, COVID-19 га гумон қилинаётганлар, COVID-19 пациенти билан мулоқотда бўлишган кишилар ҳамда тиббиёт ходимлари гуруҳларига ажратилиб таҳлил этилди (4-жадвал).

**COVID-19 га нисбатан текширилган гуруҳларда SARS-CoV-2 РНК сининг аниқланиш частотаси (Самарқанд вилояти, 2020 й.)**

COVID-19 лабораторияси	SARS-CoV-2 РНК си мавжудлигига текширилган гуруҳлар											
	Чет эллардан қайтувчи фуқаролар			COVID-19 га гумон қилинаётган шахслар			COVID-19 пациентли билан мулоқотдаги шахслар			Тиббиёт ходимлари		
	Текширилди	SARS-CoV-2 РНК +		Текширилди	SARS-CoV-2 РНК +		Текширилди	SARS-CoV-2 РНК +		Текширилди	SARS-CoV-2 РНК +	
		Абс.	%		Абс.	%		Абс.	%		Абс.	%
1-лаб-я	11445	186	1,6	41212	372	0,9	74112	599	0,8	2195	43	1,9
2-лаб-я	13215	85	0,6	29713	137	0,5	42927	861	2,0	121	19	15,7
3-лаб-я	132	10	7,6	153	19	12,4	1347	28	2,1	87	3	3,4
4-лаб-я	352	8	2,3	689	29	4,2	811	47	5,8	727	35	4,8
<b>Жами</b>	<b>25144</b>	<b>289</b>	<b>1,2</b>	<b>71767</b>	<b>557</b>	<b>0,8</b>	<b>119197</b>	<b>1535</b>	<b>1,3</b>	<b>3130</b>	<b>125</b>	<b>4,0</b>


Жами 25144 нафар чет эллардан қайтувчи фуқаролар карантин зоналарига жойлаштирилиб, барчаси SARS-CoV-2 РНК си мавжудлигига нисбатан текширилган ва улардан 289 (1,2%) нафарда COVID-19 мавжудлиги аниқланган. COVID-19 га гумон қилинган шахсларнинг 557 (0,8%), пациентлар билан мулоқотдаги шахсларнинг 1535 (1,3%) ва тиббиёт ходимларининг 125 (4,0%) нафарда лаборатория текширувининг мусбат

натижаси кузатилди.

Тахлил натижалари кўрсатадики, лабораториялар фаолиятидаги тафовут, 1-COVID-19 ва 2-COVID-19 лабораторияларида амалга оширилган текширувларнинг аксарияти чет эллардан юртимизга кайтган фуқароларга қўлланилганлиги, COVID-19 га гумон қилинаётган пациентлар ва улар билан мулоқотда бўлишган шахслар оммавий тарзда лаборатория текширувларига жалб этилганлиги билан изоҳланади.

3-COVID-19 ва 4-COVID-19 лабораторияларининг фаолияти, касаллик вилоят аҳолиси ўртасида тарқала бошлагач ташкил этилган COVID-19 стационарлари қошида йўлга қўйилган бўлиб, мазкур лабораторияларда текширилганлар орасида хос клиник аломатлар мавжудлиги боис касаллик эҳтимоллиги юқори пациентлар, тасдиқланган COVID-19 бемори билан мулоқотдаги шахслар ва тиббиёт ходимларининг хиссаси кўпроқ, шу сабабдан улар ўртасида SARS-CoV-2 РНК сининг аниқланиш частотаси бирмунча юқорироқ даражада кузатилган.

Лаборатория текширувларини амалга оширишнинг ташкилий жиҳатларини ва уларнинг аниқланганлик даражасига таъсирини баҳолаш учун COVID-19 га текшириляётган шахсларни текширувга жалб этиш жараёни, яъни намуналар олиниши амалга оширилган жойлар бўйича тахлил этилди (4-расм).



**4-расм. SARS-CoV-2 РНК сига нисбатан текширилган намуналарнинг олиниш жойларига кўра тақсимланиши (Самарқанд вилояти, 2020 й.)**


COVID-19 га нисбатан хос лаборатория таҳлили учун намуналар текширувчиларнинг ўз хонадонларида 18,9%, яшаш жойлари бўйича амбулатория-поликлиника муассасаларида 5,2%, COVID-19 стационарларида 1,2%, бевосита COVID-19 лабораторияларида 63,2% ва карантин-чеклов муассасаларида 11,5% ҳолатларда олинган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тахлил учун намуналар мутлоқ аксарият ҳолларда бевосита COVID-19 лабораторияларида олинган.

Карантин-чеклов тадбирлари қўлланиляётган даврда COVID-19 пациентларининг ёки унга гумон қилинаётганларнинг, умуман COVID-19 га доир тиббий ёрдамга муҳтож шахсларнинг тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш, жумладан хос ташхисотга қаратилган лаборатория таҳлиliga намуналар топшириш учун турли даволаш-профилактика муассасаларига

(ДПМ), хусусан COVID-19 лабораторияларига ўз ҳолича мурожаат этиб юришлари фуқароларнинг оворагарчиликларига, пациентлар аҳволининг оғирлашишига, касалликнинг аҳоли ўртасида тарқатилишига, яъни эпидемиологик хавф ошишига олиб келади.

Шу муносабат билан, кўрсатма мавжуд шахслардан лаборатория таҳлили учун намуналар олиниши амалга оширилган жойнинг, яъни намуналар пациентлар хонадонида ёки ДПМ ларда олинганлигининг таҳлил натижаларига - сифатига, яъни SARS-CoV-2 РНК си аниқланганлик даражасига қандай таъсир кўрсатиши баҳоланди (5-расм).

COVID-19 га нисбатан хос лаборатория текширувига жалб этилган шахсларнинг жами 2506 (1,1%) нафарида SARS-CoV-2 РНК си мавжудлиги аниқланган. Жумладан, таҳлил учун намуналар фуқароларнинг ўз хонадонларида олинганида 575 (1,4%) нафар, яшаш жойлари бўйича амбулатория-поликлиника муассасаларида олинганида 129 (1,13%) нафар, COVID-19 стационарларида олинганида 28 (1,06%) нафар, COVID-19 лабораторияларида олинганида 1485 (1,07%) нафар ва карантин-чеклов муассасаларида олинганида 289 (1,15%) нафар шахсларда SARS-CoV-2 РНК сининг мусбат натижаси кузатилган. Кўриниб турибдики, таҳлил учун



**5-расм. Намуналар олиниш жойига қараб SARS-CoV-2 РНК си аниқланганлик даражаси (Самарқанд вилояти, 2020 й., %)**

намуналар фуқароларнинг ўз хонадонларида олиниши таҳлил сифатига салбий таъсир кўрсатмаган.

Таҳлиллар натижасида 2506 нафар COVID-19 пациентларидан 601 (24,0%) нафарида касалликнинг енгил, 1178 (47,0%) нафарида ўртача оғирликда кечиши кузатилган (6-расм). Касалликнинг оғир ва ўта оғир ҳолатлари тегишлича 476 (19,0%) ва 251 (10,0%) нафар пациентларда қайд этилган. Кўриниб турибдики, COVID-19 касаллиги пациентларнинг аксарият қисмида (71,0%) енгил ва ўртача оғир клиник шаклларда намоён бўлган.



■ Engil ■ Urtacha ogirlikda ■ Ogir ■ Uta ogir

**6-расм. COVID-19 пациентларида касаллик кечишининг оғирлик даражаси (Самарқанд вилояти, 2020 й., %)**

Пациентларда зотилжам мавжудлиги COVID-19 клиник кечишини белгиловчи ҳолатлардан бири сифатида қаралиши баробарида, касалликнинг оғирлик даражасини баҳолашнинг объектив мезони ҳамдир. Касалликнинг энгил шаклида зотилжам аломатлари кузатилмаган. Шу муносабат билан, зотилжам аниқланиш частотаси фақат COVID-19 ўртача оғирликда, оғир ва ўта оғир кечаётган шахсларда таҳлил этилди (5-жадвал). COVID-19 билан боғлиқ зотилжам ривожланиши пациентларнинг ёшига қараб тафовутга эга бўлиши боис, мазкур ҳолат 18 ёшгача болаларда ва 18 ёшдан юқори шахсларда алоҳида ўрганилган.

5-жадвал

**COVID-19 нинг оғирлик даражасига қараб зотилжам аниқланиш частотаси (Самарқанд вилояти, 2020 й.)**

Пациентлар тоифалари	COVID-19 нинг оғирлик даражаси ва зотилжам аниқланиш частотаси									Жами		
	Уртача оғирликда			Оғир			Ўта оғир			N	Зотилжам	
	N	Зотилжам		N	Зотилжам		N	Зотилжам			N	Зотилжам
		абс	%		абс	%		абс	%	абс		%
≤18 ёш	82	8	9,7	-	-	-	-	-	-	82	8	9,7
≥18 ёш	1096	603	55,0	476	421	88,4	251	251	100,0	1823	1275	69,9
Барча пациентлар	1178	611	51,8	476	421	88,4	251	251	100,0	1905	1283	67,3

COVID-19 ўртача оғирликда, оғир ва ўта оғир кечаётган пациентларда зотилжамнинг ташхис этилиш частотаси ўртача 67,3% ни ташкил этиб, касалликнинг клиник кечиши оғирлашувига мутаносиб равишда ошиб борган, яъни ўрта оғир шаклда 51,8% аниқланган бўлса, оғир ва ўта оғир шаклларда тегишлича 88,4% ва 100,0% ҳолатларда кузатилган. Биз тадқиқ этган 18 ёшгача пациентлар гуруҳида касалликнинг ўрта оғир шакли 82 нафар болада қайд этилиб, шулардан 8 (9,7%) нафарида зотилжам ташхис этилган. Касалликнинг оғир ва ўта оғир шакллари болалар ўртасида қайд этилмаган. 18 ёш дан юқори ёшдаги пациентлар гуруҳида эса ўртача 69,9%

ҳолатда, жумладан касалликнинг ўрта оғир шаклида 55,0%, оғир ва ўта оғир шаклларида тегишлича 88,4% ва 100,0% ҳолатларда зотилжам қайд этилган.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар, аксарият - 71,0% COVID-19 пациентлари кеч - касалланишнинг 4-кунидан кейин аниқланганлигини, SARS-CoV-2 РНК си мавжудлигига намуналар фуқароларнинг ўз хонадонларида олиниши таҳлил сифатиغا, яъни индикация маркерининг аниқланганлик даражасига салбий таъсир этмаганлигини кўрсатмоқда. COVID-19 нинг енгил (жумладан, симптомсиз) ва ўртача оғирликдаги шаклларда кечиши 71,0% ҳолатда кузатилган. Касалликнинг енгил ва ўртача оғирликдаги шакллари 66,0% ҳолатда зотилжам аломатларисиз кечган.

Мазкур ҳолатлар пациентларга тиббий хизмат тақдим этилишига дифференциал ёндашилиши ва ташкилий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиши зарурлигини, устуворлик мавқеи ҳамда асосий урғу амбулатория-поликлиника хизматини мукамал тақдим этишга қаратилишини тақазо этади.

Таъкидлаш жоизки, олинган маълумотлар COVID-19 муносабати билан пациентларга ва аҳолига тақдим этиладиган тиббий хизмат жамоат саломатлиги нуқтаи-назаридан ташкиллаштирилиши, интегратив табиатга эга ва стандарт (далилларга таянган) бўлиши ҳамда замонавий рақамли технология (информацион коммуникацион технологиялар - ИКТ) имкониятларидан самарали фойдаланиши зарурлигини ва фақат шундагина рисоладагидек ташкилий ечимга келиниши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, даволаш-профилактика муассасалари (туман тиббиёт бирлашмаси - ТТБ, кўп тармоқли марказий поликлиника - КТМП, оилавий поликлиника - ОП, кишлоқ оилавий поликлиникаси - КОП, оилавий шифокор пункти - ОШП, COVID-19 амбулатор маркази, COVID-19 стационарлари ва х.) томонидан COVID-19 га доир тақдим этиладиган тиббий хизматлар ва амалга ошириладиган асосий тадбирлар борасида концептуал янгича ёндошувни ва тавсияларни ишлаб чиқдик (1-қизма).

Аввало, барча даражадаги (вилоят/шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармалари - ССББ, ТТБ) бош мутахассисларга, мутасаддиларга ўз йўналишлари доирасида COVID-19 га дахлдор рисоладагидек тиббий хизмат тақдим этилиши, мавжуд муаммолар бартараф этилиши учун масъулият юклатилиши зарур. Фақат шундагина тиббий хизматлар ва тегишли тадбирлар мажмуасини муваффақиятли тақдим этиш/амалга ошириш учун муаммога жамоат саломатлигини сақлаш нуқтаи-назаридан қаралиши, яъни бу борадаги фаолият бутун соғлиқни сақлаш тизими фаолияти билан интеграцияланиши, мувофиқлаштирилиши, барча даволаш-профилактика муассасаларининг имкониятлари ва барча тиббиёт ходимлари сафарбар этилишини ташкиллаштириш таъминланади.

Жорий эпидемик вазиятда COVID-19 га гумон этилаётган пациентларни барвақт аниқлаш учун “Онлайн патронаж” тартиби жорий этилиши, амбулатор, Амбулатор-COVID маркази фаолиятлари ва госпитализацияга кўрсатиладиган хизматлар муайян алгоритм асосида ташкиллаштирилиши ҳамда амалга оширилиши зарур.

## COVID-19 ни “Онлайн патронаж” орқали аниқлаш тартиби ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар алгоритми

<b>I. “Онлайн патронаж” тартиби</b>					
Патронаж ҳамшира “Онлайн патронаж” тизими орқали беркитилган ҳудуддаги барча хонадонлар билан ҳар куни мулоқот ўрнатиб, оила аъзоларининг (аҳолининг) саломатлиги борасида маълумот олади:					
↓			↓		↓
Оила аъзоларининг саломатлиги борасида муаммо мавжуд			Оила аъзоларининг саломатлиги борасида муаммо йук	Хонадон аъзолари билан мулоқотга чиқиб бўлмади	↓
↓					
Масъул ходимга хабар бериш					
<u>Масъул ходим (КТМП, ОП, ҚОП, ОШП мудир):</u> - муаммоларни ўрганиб, ечимларни белгилайди - COVID-19 га гумон этилаётганлар мавжуд хонадонларга “Мобил бригада” ни юборади.					
↓			Кейинги куни мулоқотга чиқиш долзарб ҳисобланиб, биринчи навбатга қўйилади	↓	
<u>“Мобил бригада”:</u> - беморни жойида кўриқдан ўтказди, - лаборатор таҳлил учун синама олади, - беморга нисбатан урта йўналиш бўйича даволаш шаклларида бирини белгилайди:					
<u>Амбулатор:</u> Амбулатор пациентларга “COVID-бокс” жамламаси тақдим этилади	<u>Амбулатор-COVID</u> маркази: ўрта оғир беморлар «Амбулатор - COVID маркази» га етказилади	<u>Стационар:</u> оғир беморлар COVID стационарга ётқизилади			
<b>II. COVID-19 пациентлари ва мулоқотдагиларга кўрсатиладиган амбулатор хизматлар</b>					
“Онлайн патронаж”			“Мобил бригада” ташрифи орқали		
↓	↓	↓	↓	↓	↓
ҳудуд аҳолиси патронажи	кузатувда ги беморлар дан хабар олиш	- мулоқотдагил арни кузатиш - ПЗР таҳлили учун намуна олиш	Оғирлашган пациентларни олиб бориш тактикаси («Амбулатор - COVID маркази»га ёқи стационарга йўллаш).	“COVID-бокс” дориларини хонадонга етказиш	- ПЗР / лаборатор таҳлилари учун намуналар олиш
<b>III. «Амбулатор – COVID-19 маркази»да хизматлар</b>				<b>IV. COVID-19 стационари</b>	
↓	↓	↓	↓	↓	↓
- пациентлар кўриги	Лаборатор текширув: - ПЗР - коагулограмма - коннинг кенгайтирилган таҳлили - С-реактив оксил, Д-димер ва х.	Инструментал текширувлар: - рентген - КТ	- амбулатор даволаш	<b>Умумий палата:</b> Пациентни миллий протокол асосида олиб бориш	<b>РИТБ:</b> 1. Пациентни миллий протокол асосида олиб бориш 2. консилиум

Аксарият ҳолатларда касаллик енгил (жумладан, симптомсиз) ва ўртача оғирликда, кўпинча зотилжам аломатларисиз кечишини инobatга олиб,



касалликнинг мазкур шаклларида пациентларга тиббий хизмат динамика кузатув асосида **амбулатор** ва **амбулатор-COVID маркази** орқали тақдим этилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, лаборатория текшируви учун намуналар олинишини ЖССТ нинг инфекциялари бошқаришга нисбатан аъъанавий тамойиллари асосида мақсадли ташкиллаштиришни йўлга қўйиш зарур. ЖССТ нинг аъъанавий ёндошувига кўра, “экзотик” инфекция мақомида COVID-19 нинг элиминациясига муваффақ бўлинмагач, яъни касаллик деярли ер юзининг барча минтақаларини камраб олиб, барча ҳудудларда “эндемиклик” табиатини касб этгач, COVID-19 нинг лаборатория ташхисотини қўллаш кўламига нисбатан қарашлар муайян даражада тахир этилиши мақсадга мувофиқдир. Хусусан, касаллик оммавийлашиб улгургач, унга нисбатан тадбирлар, жумладан хос лаборатория ташхисоти ЖССТ нинг *“инфекциялар билан қарши курашиши”* тамойили асосида амалга оширилиши белгиланган.

ЖССТ нинг *“инфекциялар билан қарши курашиши”* тамойили доирасида муайян бир ҳудудда/маълум бир пайтда (мас., эпидемик ўчоқда) лаборатория ташхисотини қўллаш касалликнинг дастлабки ҳолатлари учун албатта татбиқ этилади. Агар хос лаборатория текширувда мазкур бирламчи ҳолатларда касаллик ташхиси тасдиқланса (касалликнинг тасдиқланган ҳолати), клиник жиҳатдан дастлабки ҳолатга ўхшаш кейинги ҳолатларга (гумон қилинган ёки эҳтимоллиги мавжуд ҳолатларга) ҳам, хос лаборатория таҳлилларисиз ушбу ташхис қўлланилиши мумкин. Бунда касалликнинг тарқалганлигини тасдиқлаш учун танлаб олинган намуналар етарли ҳисобланади. Айниқса, ресурслар чекланган, лаборатория текшируви учун намуналар олинишини ташкиллаштириш ноқулай, эпидемиологик хавф ошишига олиб келувчи ҳолатларда мазкур ёндошув энг мақбул ечим сифатида тан олинган.

Лаборатория текшируви учун намуналар олинишини мақсадли ташкиллаштириш оқибатида, уларнинг сонини кескин камайтириш имконияти туғилади. Бу ҳолатда SARS-CoV-2 РНК сига нисбатан лаборатория текширувларини амалга ошириш учун кўрсатмалар мавжуд бўлган шахслардан намуналар олинишини, COVID-19 га доир амбулатор тиббий хизмат доирасида, яъни масъул КТМП, ОП, ҚОП, ОШП тиббиёт ходимлари томонидан фуқароларнинг яшаш манзилларида ташкиллаштирилиши (амалга оширилиши) энг мақбул ечим ҳисобланади.

**Ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги.** Ишланманинг тиббий-ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини (самарадорлигини) баҳолаш учун, тақлиф этилаётган COVID-19 ни “Онлайн патронаж” орқали аниқлашга ва амбулатор тиббий хизматларнинг устуворлигига асосланган ташкилий алгоритм пациентларга тўлиқ стационарда ёрдам кўрсатилиши (2020 йилда қўлланилган ташкилий шакл - ўхшаш сифатида) билан қиёсий таҳлил этилди.

Ушбу ишланманинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги, тиббий хизматни тақдим этишнинг ташкилий алгоритми COVID-19 пациентларини фаол эрта аниқлаш, лаборатория текшируви учун намуналар олинишини мақсадли йўлга қўйиш ҳисобига таҳлиллар сонини ва эпидемиологик хавфни кескин камайтириш, касалликнинг енгил ва ўртача оғирликдаги шаклларида

пациентларга амбулатор ёрдам кўрсатиш, стационар шароитидаги ўринларга нисбатан эҳтиёжни камайтириш, хизмат сифатини яхшилаш, комплаентликни юксалтириш ва аҳолининг розилигини ошириш имконини бериши билан белгиланади.

**Тадқиқотимизда тиббий самарадорлик COVID-19 да тиббий хизмат** тақдим этилишини ташкиллаштириш бўйича қўйилган вазифаларга эришилганлик даражасининг сифат ва миқдорий тавсифларини англатади. Алоҳида COVID-19 пациенти учун тиббий самарадорлик эрта аниқлаш эвазига соғайиш эҳтимоллигининг ошиши, соғлигининг тезроқ тикланиши ва асоратлар камлиги (йўқлиги) билан ифодаланади. Жамоат саломатлигини сақлаш нуктаи-назаридан – соғайганлар хиссасининг юқорилиги, асоратланиш кўрсаткичининг пастлиги, меҳнатга лаёқатсизликнинг паст даражаси тушунилади.

**Ишланманинг ижтимоий самарадорлиги** аҳоли саломатлик ҳолатининг яхшиланиши, COVID-19 билан касалланиш ва ўлимнинг камайиши, демографик кўрсаткичларнинг яхшиланиши, аҳолининг тиббий ёрдам ва санитар-эпидемиологик хизмат тақдим этилишидан қаноатланишининг ўсишида намоён бўлади.

Бунда алоҳида COVID-19 пациенти учун ижтимоий самарадорлик – пациентнинг меҳнат фаолиятига ва жамиятдаги фаол ҳаётга қайтишининг юқори эҳтимоллигида, тиббий хизматдан қаноатланганлигида ифодаланади. Соғлиқни сақлаш тизими даражасида – таҳлиллар сони ва эпидемиологик ҳавф камайиши, амбулатор ёрдам кўрсатиш устуворлиги, стационар ўринларига нисбатан эҳтиёж камайиши, ўринлардан рационал фойдаланилиши, тиббиёт ходимлари фаолиятининг интеграциялашуви ва мувофиқлашиши, хизмат сифатининг яхшиланиши, комплаентликнинг юксалиши, соғайганлар хиссасининг юқорилиги, асраб қолинган (қутқарилган) ҳаётлар, аҳолининг ўртача умри узайиши, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларининг пасайиши, бевосита саломатлик даражасининг ошиши ва тиббий ёрдам сифатига боғлиқ равишда соғлиқни сақлашнинг жамиятдаги маъқули ошиши, жамият ва давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимидан қаноатланишида намоён бўлади.

**Таклиф этилаётган алгоритмнинг иқтисодий самарадорлиги (ИС)** бир неча усулларни қўллаб ҳисобланиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш соҳасида у ёки бу профилактика, даволаш воситаси, тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий шакли танланишида иқтисодий самарадорлик ҳал қилувчи омил ҳисобланмайди. Шу билан бирга, тиббий-ижтимоий самарадорлик баробарида, иқтисодий самарадорликнинг ҳам тадбирлар кетма-кетлиги белгиланишида, молиявий меъёрлар ишлаб чиқилишида нафи тегади ва ўз ўрнига эга.

Амалга оширилган тадқиқотимиз натижалари, COVID-19 енгил ва ўрта оғир шаклларда кечаётган пациентларга тиббий ёрдам стационар ёки амбулатор шароитда тақдим этилиши айнан бир хил клиник самарадорликка эга эканлигини кўрсатмоқда, яъни пациент стационар ёки амбулаторияда даволанганлиги билан боғлиқ касалликнинг клиник оқибатида тафовут

кузатилмади. Шу сабабли мазкур ҳолатда иқтисодий самарадорлик таннарх минималлаштирилишини таҳлил этиш (cost minimization analysis) усулини қўллаб ҳисобланиши мақсадга мувофиқ.

Самарқанд вилоятида 2021 йилда ихтисослаштирилган стационар шароитида 1 нафар COVID-19 пациентини даволаш учун (стационарга ётқизилганидан то шифохонадан чиқарилгунига қадар) ўртача 8 354 200 сўм маблағ сарфланган (6-жадвал). Амбулатор “COVID-19 марказида” эса 1 нафар пациентни даволаш учун (бемор аниқланганидан/марказга мурожаат этганидан то амбулатор даволаш тўхтатилгунига қадар) ўртача 404 800 сўм маблағ сарфланган.

6-жадвал

**Самарқанд вилоятида COVID-19 пациентларини даволаш учун сарфланган маблағ (2021 й.)**

т/р	Даволаш тақдим этилиши	Ўртача 1 пациентни даволаш учун сарфланган маблағ, сўм
1.	COVID-19 стационарида	8 354200
2.	Амбулатор “COVID-19 марказида”	404800
3.	Вилоят бўйича ўртача 1 пациентни даволаш учун сарфланган маблағ	5 600000

ИС = COVID-19 стационарида даволаш таннархи - амбулатор “COVID-19 марказида” даволаш таннархи = 8 354 200 сўм - 404 800 сўм = 7 949 400 сўм.

Демак, 1 нафар COVID-19 пациентини стационарда эмас амбулатор “COVID-19 марказида” даволаш натижасида 7 949 400 сўм маблағ тежаллади. Пациентни стационарда даволашнинг таннархи амбулатор “COVID-19 марказида” даволаш таннархига қараганда 20,6 марта юқори.

2021 йилнинг 11 ойи мобайнида Самарқанд вилоятида 1337 нафар пациент стационар шароитида, 14515 нафар пациент амбулатор “COVID-19 марказида” даволаниш курсини олишган (7-жадвал).

7-жадвал

**Самарқанд вилоятида қайд этилган COVID-19 пациентларининг даволаниш шароитлари бўйича таҳлили (2021 йил, 11 ойлик)**

т/р	Даволаш тақдим этилиши	Жами даволанган пациентлар сони
1.	COVID-19 стационарида	1337
2.	Амбулатор “COVID-19 марказида”	14515
3.	Жами	15 852

14515 нафар пациентнинг амбулатор “COVID-19 марказида” даволаниши ташкиллаштирилиши натижасида жами 115 385541000 сўм маблағ тежалган:

$$14515 \times 7\,949\,400 \text{ сўм} = 115\,385\,541\,000 \text{ сўм}$$

**Хотима.** Аксарият - 71,0% COVID-19 пациентларининг (2020 й.) кеч аниқланганлиги, таҳлил учун намуналар хонадонларда олинishi индикация сифатига салбий таъсир этмаслиги, касалликнинг 71,0% ҳолатда енгил ва ўртача оғирликда кечиши, мазкур шаклларда 66,0% ҳолатда зотилжам кузатилмаслиги пациентларга тиббий хизмат тақдим этилишига дифференциал ёндашиш ва ташкилий жиҳатдан қайта қўриб чиқиш зарурлигини, устуворлик мавқеи амбулатор хизматни тақдим этишга қаратилиши даркорлигини тақазо этади.

Тегишли даволаш-профилактика муассасалари томонидан COVID-19 га доир тақдим этиладиган тиббий хизматлар ва амалга ошириладиган асосий тадбирлар борасидаги концептуал янгича ёндашув ва тавсиялар “Онлайн патронаж” тартиби жорий этилишини, амбулатория-поликликалар, амбулатор-СOVID марказлари фаолияти ва госпитализацияга босқичда кўрсатиладиган ёрдамлар муайян алгоритм асосида ташкиллаштирилишини кўзда тутуди.

COVID-19 муносабати билан тақдим этиладиган тиббий хизматнинг жамоат саломатлиги нуқтаи-назаридан ташкиллаштирилиши, интегратив табиати ва стандартлигининг таъминланганлиги ҳамда рақамли технология имкониятларидан самарали фойдаланиши рисоладагидек ташкилий ечимни топиш имконини беради.

Ишланманинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги, мазкур ташкилий алгоритм COVID-19 пациентларини фаол аниқлаш, лаборатория текшируви учун намуналар олиншини мақсадли йўлга қўйиш ҳисобига таҳлиллар сонини ва эпидемиологик хавфни кескин камайтириш, касалликнинг енгил ва ўртача оғирликдаги шаклларида пациентларга амбулатор ёрдам кўрсатиш, стационар шароитидаги ўринларга нисбатан эҳтиёжни камайтириш, ўринлардан рационал фойдаланиш, тиббиёт ходимлари фаолиятини интеграциялаш ва мувофиқлаштириш, хизмат сифатини ва комплаентликни яхшилаш, соғайганлар ҳиссаси ва асраб қолинган ҳаётлар миқдорини ошириш, аҳолининг ўртача умрини узайтириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, соғлиқни сақлашнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, аҳоли, жамият ва давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимидан қаноатланишини ошириш имконини бериши билан белгиланади.

Иқтисодий самарадорлик 1 нафар COVID-19 пациентини стационарда даволаш ўрнига амбулатор “COVID-19 марказида” даволаш натижасида 7 949 400 сўм маблағ тежалишида намоён бўлади. Шунингдек, ишланманинг билвосита улуши ҳам мавжудки, бу меҳнат унумдорлигининг ошиши, миллий даромад кўпайиши, воситалардан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш қабиларда ўз ифодасини топади.

**Татбиқ этиш бўйича тақлифлар.** “COVID-19 пациентларига тиббий хизмат тақдим этилишининг ташкилий алгоритми” услубий тавсияномаси соғлиқни сақлаш ташкилотчилари ва менежментлари, эпидемиологлар, вирусологлар, инфекционистлар, оилавий шифокорлар, тиббиётнинг бирламчи бўғини ҳамда COVID-19 пациентларига ёрдам кўрсатилишига дахлдор барча тиббиёт

муассасалари ходимларининг фаолиятида фойдаланиш учун мўлжалланган. Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизими.

COVID-19 ни ташхислашнинг жорий амалиёти ва пациентлар ҳолатини баҳолаш натижалари асосида яратилган ташкилий алгоритмнинг аҳолини лаборатория текширувларига жалб этиш, пациентларни аниқлаш, ажратиш, таксимлаш ва олиб бориш босқичларига татбиқ этилиб фаол қўлланилиши муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади ва мазкур жараёнларнинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш имконини беради.

Яратилган концепция ва тавсияларнинг амалий натижадорлиги, аввало, соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражадаги мутасаддилари, бош мухтаassisлари томонидан мазкур ишланмага нисбатан барқарор хайрихоҳлик намунасини кўрсатишлари ҳамда ўз йўналишлари доирасида COVID-19 га дахлдор рисоладагидек тиббий хизмат тақдим этилиши, мавжуд муаммолар бартараф этилиши учун юксак масъулиятни хис этишлари билан белгиланади. Фақат шундагина муаммога жамоат саломатлигини сақлаш нуктаи-назаридан қаралиши, яъни бу борадаги фаолият бутун соғлиқни сақлаш тизим фаолияти билан интеграцияланиши, мувофиқлаштирилиши, барча даволаш-профилактика муассасаларининг имкониятлари ва барча тиббиёт ходимлари сафарбар этилишини ташкиллаштириш таъминланади.

#### **Адабиётлар.**

1. Акилов Х.А., Ибадов Р.А., Хамраева Г.Ш., Ибрагимов С.Х. / Патофизиология коронавирусной инфекции COVID-19 и перспективные направления диагностики / Ж. Биология ва тиббиёт муаммолари. – Самарқанд, 2021. - №2 (127) – б. 235-241
2. Асадов Д.А. с соавт. Плановая иммунизация населения в период кризисных ситуаций (в условиях пандемии COVID-19) // Ж. Гепато-гастроэнтерологических исследований. – Самарқанд, 2021. - №1. - Том-1. - с. 9-12
3. Атабеков Н.С., Норбоев Х.Н., Анварова Л.У. Ўзбекистонда COVID-19 га қарши эпидемик кураш тажрибаси ва уюшган жамоаларда касалликни эпидемиологик тахлили // Ж. Тошкент тиббиёт академияси Ахборотномаси. – 2021.-№5 – б. 15-20
4. Временные методические рекомендации профилактика, диагностика и лечение новой коронавирусной инфекции (COVID-19) / Версия 11 (07.05.2021). – Москва, 2021. - 225 с.
5. Умиров С.Э., Умирзаков З.Б. COVID-19 га қарши вакцинацияни амалга оширишнинг ташкилий жиҳатлари. Распространенность COVID-19 в различных регионах СНГ, клиника и диагностика. Материалы научно-практ. конференции с международным участием. Т.: «Фан ва таълим полиграф», 2021. - с. 57-59
6. Умиров С.Э. ва б. Тиббиёт ходимларида COVID-19 кечишининг айрим клиник-эпидемиологик жиҳатлари // Тошкент тиббиёт академияси Ахборотномаси. – 2021.-№5.- Б. 168-174
7. Умирзаков З.Б., Ризаев Ж.А., Умиров С.Э. ва б. Основы обеспечения адекватной организации профилактики COVID-19 / Ж. Биология ва тиббиёт муаммолари. – Самарқанд, 2021. - №2 (127). – 134-140
8. Эпидемиологический надзор за COVID-19. Временные рекомендации ВОЗ от 16 декабря 2020 г. – WHO / 2019-nCoV / Surveillance Guidance / 2020.8
9. Ёдгорова М.Д., Умарова З.К., Иномзода Д. И., Мукарамова Д.А. Вклад первичной медико-санитарной помощи в борьбе с пандемией COVID - 19 в Республике Таджикистан/ Ж. Гепато-гастроэнтерологических исследований. – Том-1. - Самарқанд, 2021. - №1 – с. 50-52
10. Юсупалиев Б.К. Укрепление и совершенствование системы здравоохранения в условиях пандемии // Тошкент тиббиёт академияси Ахборотномаси. – 2021.-№5.- Б. 210-213
11. Levene L. S. et al. COVID-19 cumulative mortality rates for frontline healthcare staff in England. Br J. Gen Pract. 2020; 70(696): 327-328.